

ПАХТАНИ ОҒИР АРАЛАШМАЛАРДАН ТОЗАЛАШ ҚУРИЛМАСИ ТАВСИФИ

Ахмадждонова Гулшода Адихамжон кизи

Студент Наманганского инженерно-технологического института

E-mail: gulshodaaxmadjonova3@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада пахтани териш, юклаш, бир жойдан иккинчи жойга ташиш ва қайта ишлаш жараёнида пахта хом ашёси таркибига қўшилиб кетган оғир ва бегона аралашмаларни юқори самарадорликда ажратиб олиш ҳамда кейинги технологик машиналарнинг ишчи органларини ишлаш муддатини узайтириш мақсадида ишлаб чиқилган тоштутгич қурилмаси афзалликлари ўрганиб чиқилган. Қурилманинг асосий моҳияти шундаки, ишчи камерасига юқори ҳаво оқими таъсирида кириб келаётган пахта хом ашёсини қурилманинг айнан пахта уриладиган кириш қувури қуршисидаги девор қисмига пахта бориб урилганда ўзининг инерцияси билан айланувчи магнитли барабан ўрнатилган.

Калит сўзлар. тоштутгич, магнитли барабан, пахта, тола, оғир аралашма, қувур, чўнтак, резина қоплама, ишчи камера.

АННОТАЦИЯ

В этой статье изучались преимущества шторотера и иностранных смесей, которые были разработаны для высокоэффективного, транспорта, транспорта, транспортировки хлопковых автомобилей в процессе высокоэффективности и обработки рабочих органов следующего технологического механизма. Основная суть устройства состоит в том, что устройство установлено в магнитных барабанах, которые поворачиваются на стену стены в стене работы.

Ключевые слова: Гостер, магнит -барабан, хлопок, полная, смесь, чувур, главный кулачок, смесь.

Пахта хомашёсини пахта майдонларидан териш, уларни юклаш, бир жойдан иккинчи жойга ташиш ва ғарамлаш жараёнида пахта хом ашёси таркибига қўшилиб қолган оғир ва бегона аралашмаларни юқори самарадорликда ажратиб олиш натижасида кейинги технологик машиналарнинг ишчи органларини ишдан чиқиш холатларини олдини олиш мақсадида тоўштутгич қурилмасини такомиллаштириш юзасидан бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда ва ижобий натижаларга эришиб келинмоқда. Жумладан (IAP 20220578) тоштутгич

қурилмасида ҳам амалда қўлланилиб келинаётган қурилмадаги мавжуд айрим камчиликлар бартараф этилган. Бу қурилманинг асосий моҳияти шундан иборатки, пахта тозалаш корхоналарида ғарам майдонларига жойлаштирилган пахта хом ашёсини ишлаб чиқариш жараёнига пневмотранспорт қувурлари орқали узатиб бериш жараёнида пахта таркибидан оғир ва бегона аралашмалар (тош, қум, кесак, очилмаган пахта кўсаги, металл парчаси ва бошқа) ларни тутиб қолиш самарадорлигини ошириш мақсадида қурилманинг кириш қувури қаршисидаги деворга пахта ҳаво оқими таъсирида бориб урилиши натижасида ўзининг инерцияси билан айланувчи мангитли барабан ўрнатилган. Бунинг натижасида барабан парраклари орасига ўрнатилган магнитлар ёрдамида пахтани териш, юклаш, бир жойдан иккинчи жойга ташиш ва қайта ишлаш пайтида унинг таркибига қўшилиб кетган турли хилдаги сим ва металл парчалари ёпишиб ушлаб қолинади. Пахта хом ашёси таркибидан ажралган бошқа (тош, қум, кесак, очилмаган пахта кўсаги ва бошқа) оғир ва бегона аралашмалар эса қурилманинг чўнтак қисмига ўрнатилган резина қопламали вакуум-клапан ёрдамида узлуксиз ташқарига чиқариб юбориш имкони беради. Шунингдек, резина қопламали вакуум-клапан парраклари орасига оғир аралашмаларга қўшилиб тушиб қолган пахта бўлакчаси чўнтак қисм ва ишчи камерага туташган қўшимча ҳаво трубаси ёрдамида тозаланган пахта оқимини олиб кетаётган сўрувчи ҳаво ёрдамида яна тозаланган пахта оқимига қайта қўшиб берилади. Бу билан корхоналарда пахта толасини чиқиндиларга қўшилиб исроф бўлиш ҳолатларининг олди олинади. Қурилма қуйидаги асосий ишчи қисмлардан ташкил топган: 1-кириш қувури, 2-ишчи камера; 3-вакуум-клапан; 4-оғир аралашмаларни ташқарига чиқариб юбориш эшиги; 5-оғир аралашмалар тўпланувчи чўнтак; 6- чўнтак қисми ва ишчи камерага туташган қўшимча ҳаво трубаси; 7-магнитли барабан; 8-магнитли барабанга ёпишган металл парчаларни олиб ташлаш эшиги; 9-тозаланган пахта чиқиш қувури.

Ихтиронинг муҳим белгиларидан бири шуки, металл парчаларини ўзига ёпиштириб олувчи магнитли барабан, оғир аралашмаларни ташқарига узлуксиз чиқариб юборувчи вакуум-клапан ва чўнтак қисмига тушиб қолган пахта бўлакчаларини яна қайта тозаланган пахта оқимига қўшиб берувчи ҳаво трубасидан ўрнатиш. Шу сабабли (FAP 20230262)тоштутгич қурилмасида пахта таркибидан оғир ва турли хил аралашмаларни ушлаб қолиш имконияти ишлаб чиқилган. Бунда тоштутгичнинг кириш қувури қаршисидаги деворга датчик ёрдамида ўзгарувчи эластик қопламали жалюзали панжара ўрнатилган. Бунинг натижасида кириш қувури қаршисидаги метал қопламали барабан пахтани титиб беради ва таркибидаги нафақат оғир балки майда ифлосликлар

хам ажратиб олинади. Шу билан бирга қурилма метал парчаларини тутиб қолиш имкониятини ҳам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

- [1] Р.Мурадов, С.Хусанов, А.Каримов “Пахтани таркибидаги оғир аралашмаларни тутиб қолувчи қурилмаларни самарадорлигини ошириш йўллари” монография “Наманган” нашриёти, 2017.
- [2] IAP 20220578 “Тоштутгич”.
- [3] Аброров А. “Пахтани йирик хас-чуплардан тозалаш машинаси конструкциясини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш”. магистрлик диссертацияси. Бухоро 2012 й
- [4] Хакимов Ш. “Пахта хом-ашёсини ифлосликлардан тозалаш жараёни самарали технология сини ва тозалагичлар ишчи қисмларини рационал конструкция сини яратиш”. дисс. тех. фан. доктори — Ташкент 2016 й
- [5] O.Sh.Sarimsakov “Theoretical bases of cotton transfer and pneumatic transport processes” Toshkent-2021